

А Ж Р И М

/ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида/

2022 йил 12 январь куни жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди ўз биносида очиқ суд мажлисида, судья Я.К.Ниёзовнинг раислигида, Р.Мерзаевнинг котиблигида, томонлардан Когон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Т.Қобилов, жабрланувчи Зарипов Равшан, судланувчи Зарипов Рашид ва унинг адвокати Х.Жумаеванинг иштирокида,

1985 йил 19 октябрь куни Бухоро вилояти, Когон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, 2-гурух ногирони, муқаддам судланмаган, Когон шаҳар, Қоровулбозоршоҳ кўчаси 13/20-уйда яшовчи, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган

Зарипов Рашид Кулдошевич /Zaripov Rashid Kuldoshevich/га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан 1-2003-2101/188-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Зарипов Рашид 2021 йил 3 декабрь куни соат 23-40 ларда яшаш уйи бўлган Когон шаҳар, Қоровулбозоршоҳ кўчаси 13Е-уйнинг 20-хонадонда акаси Зарипов Равшан билан ўзаро келишмовчилик оқибатида жанжаллашиб, жанжал вақтида чўнтагида бўлган йиғма пичоғи билан Зарипов Равшаннинг ўнг кўкрак қисмига бир маротаба уриб, унга суд тиббий экспертизасининг 2021 йил 15 декабрдаги 498-Т-сонли хулосасига кўра кўкрак қафаси ўнг томонида кесилган яра каби соғлиқни бузилишига олиб келган, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати етказган.



Р.Зарипов ўзининг юқоридаги ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

Судда судланувчи Р.Зарипов айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, 2021 йил 3 декабрь куни соат 23-40 ларда уйда акаси Зарипов Равшан билан ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида йиғма пичоқ билан акасини бир мартаба урганлигини, ҳозирда жабрланувчи билан ихтиёрий ярашганлиги, унинг унга нисбатан даъвоси йўқлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини инобатга олиб, ўзига нисбатан жиноят ишини ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатишни сўраб, бу ҳақидаги ёзма аризасини тақдим қилди.

Судда жабрланувчи Зарипов Равшан 2021 йил 3 декабрь куни соат 23-30 ларда укаси Зарипов Рашид билан ўзаро келишмовчилик натижасида ўзига тан жароҳати етказилганлигини, Зарипов Рашид томонидан етказилган зарар тўлиқ бартараф қилинганлиги, унинг судланувчи Р.Зариповга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, у билан ихтиёрий ярашганлиги, укаси бўлишини ва жиноят ишини ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатишни сўраб, бу ҳақда ёзма ариза тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида ушбу Кодекс 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 5-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилган ҳолларда, бу масала суд мажлисида дарҳол ҳал этилиши лозимлиги қайд этилган.

Юқоридагиларга мувофиқ, суд тарафларнинг фикрини эшитиб, иш материалларини таҳлил қилиб, Р.Зариповга оид жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 583, 585-586-моддаларини қўллаб, суд



А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчи Зарипов Рашид Кулдошевич ҳамда жабрланувчи Зарипов Равшан Кулдошевич ўзаро ярашганлиги муносабати билан Зарипов Рашид Кулдошевич /Zaripov Rashid Kuldoshevich/ жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Зарипов Рашид Кулдошевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ҳаракатдан тугатилсин.

Р.Зариповга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Зарипов Равшанга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона пичоқ /чаққи/ йўқ қилинсин.

Ажримдан норози томон ажрим эълон қилинган кундан эътиборан ушбу суд орқали 20 кунлик муддат ичида Бухоро вилоят судига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи
Ниёзов

/имзо/

Я.К.

Аслига тўғри

Маъсул судья: Ниёзов Яшин Комилжонович

